

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Бугун юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар жараёнида йўл ва кўприклар, ижтимоий соҳа объектлари, арзонлаштирилган уй-жойлар барпо этиш, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу қурилиш материалларига бўлган талабни ошираётган. Ҳеч шубҳасиз, бу жараёнда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси тизимидаги "Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамиятининг ҳам муносиби ўрни бор.

Ислохот

Мазкур жамият фаолияти билан танишар эканмиз, цемент ишлаб чиқариш анча мураккаб жараёнига гувоҳ бўлдик. Уни тайёрлаш учун асосий хом ашё — оҳақтош "Оҳангаронцемент"га 8-13 километр узоқликдаги карьерлардан келтирилган экан. Қазиб олинадиган хом ашёнинг йирик бўлаклари майда-



лаш, маҳсулотни машиналарга юклаш ва ташинишда энг замонавий техникалар, жумладан, экскаваторлар, 40 тоннадан зиёд юк кўтариш қувватига эга махсус автомашиналардан фойдаланилади.

Карьерларда тайёрланган оҳақтош автомашиналар ёрдамида майдалаш ускуналари ўрна-

тилган жойга ташилади, дейди корхона ишлаб чиқариш бошлиғи Улуғбек Умаралиев. — Майда лагичларда парчаланган маҳсулот қарийб саккиз километр узунликдаги лента орқали хом ашё цехига узатилади. Цехда оҳақтошга бир неча компонент аралаштирилади. Махсус ҳовузларда тинимсиз ишлов берилган

аралашма-шлам юқори ҳароратда пиширилиб, клинкерга айлантирилади. Клинкерга гипс ва фаол минераллар қўшилиб, тайёр цемент ҳолатига келтирилади. Ишлаб чиқариш циклидаги барча босқичлар шу тарих қатъий назорат қилиб борилади. Бир минг икки юз на-

фардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхона ёшлари орасида Баҳодир Эргашев ҳам бор. Оҳангарон саноат касб-хунар коллежини битирган бу йигит механик таъмирлаш цехида ишлайди. — Цехда корхонамиз учун зарур бўлган темир маҳсулотларига ишлов бериб, белгиланган ўл-

човларга келтирамиз, дейди Баҳодир. — Бу ишларни талаб даражасида бажариш осон эмас. Коллежда эгаллаган билим ва малакам, Кан Станислав, Бахтиёр Муллакулов ва Раҳим Абдухолиқов каби устозларимдан ўрганганларим бу борада асқотмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

Жараён

Мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган сайёҳаракатлар кенг кўламли олиб борилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бу борада амалга оширилаётган ишлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, бошқарув аъзолари, меҳнат, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари бошликлари, касб-хунар коллежлари директорлари, тижорат банклари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти танлови комиссияси аъзолари иштирок этди.



ФАОЛЛИК — ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Йиғилишда қатор вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг оилалардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни ўрганиш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари тинглатилиб, зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди. Ҳар бир вилоят миқёсидаги камчилик ва муаммоларни ҳал қилишдаги суғаштирилган очик, ошқора таъкидланиб, тез фурсатлар ичида уларни бартараф этиш топширилди. Шунингдек, шахар, туман хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари фаолиятини белгиланган низом асосида намунали ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳудудий комиссиялари фаолияти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Бошқарувининг 2017 йил

биринчи ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси ва Бошқарувнинг иш тартиби (Регламент) тўғрисидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзил Норбоева ўз фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини баён қилди. Бу борада тузилган ишчи гуруҳ аъзоларининг масъулияти алоҳида таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишидан сўнг ҳудудий студияда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева бошчилигида вилоятдаги тегишли муассаса, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида камчиликлар, муаммолар юзасидан ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари, раҳбарларнинг галдаги вазифалари белгиланган олинди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

АЖДОДЛАР САБОФИ

Бутун республикада бўлгани каби вилоятимизда ҳам буюк мутафаккир, ғазал мулканин султони Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Эхтиром


Буюк шоирга эхтиром сифатида Қибрай туманида ўтказилган вилоят байрами ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

2-мусиқа мактабида таш-

кил этилган тадбирда Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Ўзбекистон уюшмаси ва маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими вакиллари, шоир ва ёзувчилар, ўқувчи-ёшлар ҳамда

кенг жамоатчилик иштирок этди.

Вилоят "Шошмақом" ансамбли томонидан Навоий ғазаллари асосида қуйланган ашулалар, мактаб ўқувчилари сахналаштирилган дастур ва ғазалхонлик мушоираси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

Вилоятимиз ҳокими Ш. Бобоев яқиндагина туманимиз меҳнаткашлари билан учрашувда таъкидлаганидек, одамларни рози қилиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш давлат ташкилотларининг энг биринчи, энг муҳим вазифаси бўлмоғи зарур.

Хусусан, аҳолига, йўловчиларга транспорт хизматини тубдан яхшилаш, уларнинг узогини яқин қилиш жамоамиз олдида турган долзарб вазифага айланган.

Ҳозирда корхонамизда туман аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида "ISUZU" русумли 7 та автобус, 28 та "DAMAS" ва

2 та "NEXIA" автомобиллари белгиланган йўналишлар бўйича узлуксиз қатнамоқда. Айниқса, олис қишлоқлар аҳолисини туман маркази билан боғлашда, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини манзилга ўз вақтида етказиб қўйишда ҳайдовчиларимиз меҳнати самарали бўлаяпти. Бу борада ўқувчилар йўловчи ташийдиган автобус-

дан фойдаланишда имтиёзга эга. Булардан ташқари, кекса ва ногиронларга, нурунийларимизга имтиёзли хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида жорий йилда корхонамизга яна 6 та "ISUZU" русумли автобус олиб келмоқчимиз. Бу-

нинг натижасида ўндан зиёд янги иш ўринлари яратилади. Мақсадимиз Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳолига намунали ва сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, энг муҳими, йўловчиларни рози қилишдан иборат.

Райхон СОЛИЕВА,
Бекобод туманидаги "Зафар АТЧ" МЧЖ раҳбари.

Изҳор

Халқимизда "Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин", деган гап бор. Зеро, одамга, аввало, меҳр-оқибат, инсоний мулозамат керак. Қолган ишлар аста-секин рўйга чиқаради.

ҲАМ ВАҚТИМ, ҲАМ НАҚДИМ ТЕЖАЛАДИГАН БЎЛДИ

Бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Ҳар куни телевизорда кўриб турибмиз. Муҳтарам Президентимиз қатор вилоятларда, муҳим аҳамиятга эга йирик қурилиш объектларида бўлиб, аҳоли билан бево-сита суҳбатлашиб, давлатимизнинг иқтисодий қудратини, халқнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган бугунги изчил сайёҳаракатлар, келажда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб бормоқда. Бу кексаю-ёшининг қалбига қувонч бағишлаб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Айниқса, Президентимизнинг кейинги пайтларда эълон қилинган бири-бирдан муҳим ва зарур фармон қарорларида айтилган гаплар айтилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қарори, беистисно, кексаю-ёшини беҳад қувонтирди. Биз, кексаларнинг-ку, бошимиз осмонга етди. Бу беҳиз эмас. Киши кексайгани сари кўнгли нозиклашиб боради. Салгина эътибор ёки эътиборсизликдан кўнглимизни тоғдек кўтарилиши ва аксинча, диллари ранжиши мумкин.

Шу маънода қараганда, Президент катта-кичик раҳбарнинг эл дарду ис-таклари билан яшаши, уларни рози қиладиган барча чора-тадбирларни, бор имкониятларни ишга солиши зарурлигини қайта-қайта таъкидлабгина қолмай, амалда шахсий

Абдувосил
СОЛМОНОВ,
Занғота тумани,
Хонобод қишлоғи.

БОБОМНИНГ ДУОСИ

Давлатимиз раҳбарининг "Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмининг такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори пенсиядорлар, олий ўқув юрти талабалари қатори менинг қалбимда ҳам қувонч ва шукроналик ҳиссини яна бир қарра оширди.

Шу ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг иқтисодий ва аълочи ўқувчилари учун таъсис этилган стипендия пластик картага ўтказилаётган эди. Қарорни "Ахборот"да эшитиб, газетада тақрир-такор ўқиб, "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" деган ғоянинг ҳаётимиздаги яна бир исботини кўрдим.

Дарҳақиқат, бизга шундай шароит яратилган экан, энди янада пухта билим олишимиз, танлаган соҳамизнинг етук муассасис бўлишимиз керак. Мана шундай эътибор ва рағбат кўрсатилаётган ёшлар қаторида бўлиш мен учун ҳам шарофат, ҳам улкан масъулиятдир.

Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўрта Чирчиқ
агрессив ва
транспорт касб-хунар
коллежи ўқувчиси.

□ Интилиш

Давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиб, ўзларининг истеъдод ва маҳоратларини намоён этиб келаётган ўғил-қизларимиз кўлга киритаётган муваффақиятлар, албатта, ҳар биримизни қувонтиради.

Улардан бири Паркент туманининг Номдалик қишлоғида туғилган, воёга етган, айти пайтда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтидан тахсил олаётган Обиджон Эгамбердиевдир. У аъло ўқини, жамоат ишларидаги фаол

ОБИДЖОННИНГ СОБИТ ҚАДАМЛАРИ

лиги, шахсий муваффақиятлари учун 2016-2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси танловида голиб бўлди.

Обиджон мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ спортга меҳр қўйди. Шу боисдан ҳам ҳеч иккиланмай жисмоний тарбия институтидан тахсил олаётган Обиджон Эгамбердиевдир. У аъло ўқини, жамоат ишларидаги фаол

қаро миқёсдаги илмий анжуманларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги долзарб мавзулардаги маърузалари билан иштирок этиб, бир қатор сертификатларни кўлга киритди ва фахрий ёрлик ҳамда ташаккурномалар билан тақдирланди. Ҳозирда институтнинг энг фаол ва иқтидорли талабаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларни етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунга жавобан биз, ёшлар ўзи

миз танлаган соҳада пухта билим эгаллашимиз, Ватанга хизмат қилишимиз керак. Бунинг учун барча имконият ва шароитлар етарли, дейди Обиджон. — Инглиз тилини пухта эгалладим. Бўш вақтларимда спортнинг футбол, теннис, оғир атлетика турлари билан ҳам шуғулланаман. Олий таълимнинг бакалаврият йўналишида тахсил олганимда ногиронлар учун мўлжалланган спорт иншоотларини дастурий воситалар ёрдамида лойиҳалаш мавзусида ишларимиз олиб бордим. Илмий ишим

мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Обиджон ҳозир институтнинг магистратура бўлими 2-босқичида ўқини давом эттирмоқда. Шу билан бирга "Ўқув-машғулотларда гуруҳ спортчиларининг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш усуллари" мавзусида илмий изланиш олиб бораётир. Унинг айтишича, ушбу лойиҳа ёшларга қўшимча имконият яратиб беришига йўналтирилган.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

□ Дарвоқе

Бугунги кунда аксарият ёшлар кўп вақтларини интернетни титиш билан ўтказишади. Ижтимоий тармоқ орқали танишиб, ҳатто турмуш қуриш ҳақида гап очишади.

ЯНГИ «АЛИФБО»ГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Ҳозир тил муаммолари қаторига, шубҳа йўқки, ижтимоий тармоқда дунёга келган янги ўзбек "алифбоси"си ҳам қўшилган. Қизиқарли жиҳати шуки, айрим ижтимоий тармоқдаги "тилушнос"лар янги "алифбо" яратилишидан. Ундан ҳам қизиқ, бу "алифбо"да 6, 4 сингари рақамлар, w сингари чет тили ҳарфлари ҳам ўзбек тилида қўлланилади. 6 рақами "о", 4 сони "ш" ва инглиз тилидаги "w" ҳарфи "sh" ҳарфини англатар экан.

Хўш, бу "алифбо"нинг юзага келишига нима сабаб бўлди? Тежамкорликми ёки тезкорлик? Агар, тежамкорлик десак, наҳотки, улар бир ҳарф учун сарфланадиган маблағ билан бойиб қолишса? Тезкорлик десак, хабарнинг 0,15 сониягагина кеч қолиши она тилига ҳурматсизлик қилишга сабаб бўла олмайди-ку, ахир! Қисқаси, бундай "алифбо"нинг шаклланишига арзирли сабаб топа олмайсиз. Лекин буни "Ёшлик — бебошлик" деб ўз ҳолига ташлаб қўйиб ҳам бўлмайди. Чунки...

Яқинда бир газетада ўқидим: "Хорижлик танишим: "Сизларнинг тилингида 6, 4 рақамлари ҳам ҳарф сифатида қўлланиладими?" деб сўраб қолди", деб ёзилади мақолада. Бу шунчаки, бир мулоҳаза, холос. Аммо, ўз навбатида тилимизга берилган баҳо ҳамдир.

Кўпгина ачинарли воқеаларга ҳам шу "алифбо" сабаб бўлмоқда. Жумладан, бир йилгит ижтимоий тармоқ орқали танишган қизини учрашувга чақирса, қиз "wolyarsiz" деб ёзиб юборибди. Йилгит бунини "wolyarsiz" деб тўшунди, қизни қаттиқ койибди. Қиз ҳам бўш келмай, унга "яхшилаб" жавоб ёзибди. Хуллас, турмуш қуриш арасидаги ёшлар "замонавий алифбо" сабаб ажралишди.

Бир киши аёлини мактаб, "6та (ўта демократ) aqlli xotinim bor" деб ёзган экан. Энди ўзидан бошқа беш кундоши борлигини билган аёлининг аҳволини тасаввур қилаверинг. Бунга ҳам ўша "алифбо" сабаб.

Лекин, ҳазрат Навоий бир ғазалида таъкидлаганидек, "Бир хазонга боғбон мене бўлмас". Яъни, хазонни боғбон тўхта олганда, бир мақола билан бу муаммони йўқотиб бўлмайди. Тилимизни соф сақлаш эса, ҳар биримизнинг бурчимиз эканини асло унутмаслигимиз керак.

Оташ БЕК.

Реклама ва эълонлар

Хурматли устоз!

Сиз ўзингизни фаол, истеъдодли, салоҳиятли, юсак маҳоратли, ташаббускор, фидойи, ўз касбининг устаси, шижоатли, маънавий етук, ўқув-тарбия жараёнида инновация технологиялардан унумли фойдаланиб келаётган, самарали натижаларга эришаётган, доимо янгиликка интилувчан замонавий ўқитувчи деб ҳисоблайсизми?

Марҳамат! Бугун олий маълумотли ўқитувчиларнинг барчаси "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида иштирок этиб, ўз иқтидорини намоён қилиш имкониятига эга.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг "Илғор педагогик технологияларни ва тажрибаларни жорий этиш бўлими" масъулиги ва назоратида ўтказилиш режалаштирилган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида "Рус тили" (таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган умумий ўрта таълим муассасалари учун), "Рус тили ва адабиёти" (таълим рус тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим муассасалари учун), "Физика", "Кимё", "Математика", "Информатика", "Тарих", "Миллий истиклол ғояси", "Немис тили" ҳамда "Француз тили" фанларидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг фаол иштирокини кутиб қоламиз.

Изоҳ: мазкур танлов юзасидан қўшимча маълумотлар олиш учун институтнинг 2-қаватидаги "Илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш бўлими"га ҳамда туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг фан йўналиши бўйича методистларига мурожаат қилишингиз мумкин. Телефонлар: 8-(371)-230-22-15, (90) 953-25-85.

□ Агар огоҳ сен...

Ҳар бир ота-она ўз зурриётининг ҳаёт йўли оғдин бўлишини истайд. Уни билимли, жисмонан соғлом, ота-онаси ва эл-юртга нафис тегадиган инсон қилиб тарбиялашни хоҳлайди. Бу йўлда улар елиб-югуради, тинмай меҳнат қилади, қайгуради. Зеро, халқимиз учун фарзандининг ёрқин келажagini кўриш энг олий мақсадлардан бири ҳисобланади.

БИР ЯХШИНИНГ БИР ЁМОНИ

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларни мукамал билим олиб, келажақда етук инсонлар бўлиб воёга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Аммо, ёшларимиз орасида ана шу имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш ўрнига бўш вақтини, турли фойдасиз ишларга сарфлаб, жиноят қўчасига кириб қолаётганлари ҳам учраб туради.

Бу эса қайсидир маънода ота-оналарнинг фарзанди тарбиясига беэътибор бўлгани билан боғлиқ. Зеро, бугунги кунда тарбия ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётир. Кейинги йилларда телекоммуникация тармоғи жадал ривожланиб ва бу жараён изчил давом этмоқда. Кундалик ҳаётимизда замонавий телефон, планшет, нетбук ва ноутбук каби воситалардан фаол фойдаланишмоқдамиз.

Халқимиз орасида "Бир яхшининг бир ёмони бор", деган нақл юради. Шу ўринда, интернет тармоғи ва юқорида номи келтирилган технологияларнинг ўғил-қизларимиз тар-

бияси ва соғлиғига салбий таъсир этадиган жиҳатлари мажҳудлигини айтиш жоиз.

Таъкидлаш керак, айрим ота-оналар билан суҳбатлашсангиз, ҳаёт ташвишлари, вақт ва маблағ билан боғлиқ муаммолар ҳақида гапирасиз. 5-, 6-синфда ўқитган боласига қиммат телефон ёки планшет олиб бериш, қўлига жарақ-жарақ пул тутқазиб, каттароқларига маданиятимизга мос келмайдиган, тиззаси ва бошқа жойлари йиртиқ шим, калта юбка, ўзга мамлакат байроғи ё ахлоқсиз суратлар туширилган кийим-кечақларни олиб беришга келганда эса пул ҳам, вақт ҳам топилади. Болага китоб олиб бериш, унинг маънавиятини юксалтириш, юриш-туришини назорат қилиш, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишга ўргатиш, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга келганда эса вақти етмай қолади.

Маълумки, болани билимли, ақлли, теран фикрлайдиган қилиб воёга етказишда оилавий муҳитнинг аҳамияти беқиёс. Бунда ота-онанинг ўрни

катта. Шундай экан, улар масалага бундан чуқур хис қилган ҳолда ёндошиши талаб этилади.

Бутун инсоният ҳаётига ҳавф солаётган гитхандлик ва одам савдоси каби иллатлар, минг афсуски, бугун ҳам йўқолгани йўқ. Статистик маълумотларга кўра, дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гитхандлик дардига чалинган. Ачинарли томони шундаки, бу бало тузоғига илгинларнинг аксариятини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Иллат оқибатида жаҳонда йилига тахминан 200 мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмар экан. Йилига икки ярим миллиондан ортиқ киши одам савдоси қурбонига айланган, уларнинг 80 фоизини аёллар ва ёшлар ташкил этаётгани аянчли.

Шу боис, фарзандларимиз тарбиясига қаратилган эътиборни янада қучайтиришимиз зарур. Зеро, уларни ҳар жиҳатдан қилиб инсонлар этиб тарбиялаш барчамиз, ҳусусан, биз, ўқитувчилар, шунингдек, ҳар бир ота-онага катта масъулият юклайди.

Озода ЖўРАЕВА,
колледж ўқитувчиси.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Давлатимиз сиёсатининг устувор масалаларидан бири бўлган оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида сўнгги йилларда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан вилоятимизда ҳам, бир қанча лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

□ Ижтимоий шериклик

Оҳангарон политехника касб-хунар коллежида "Соғлом оилага — маънавияти соғлом авлод билан" лойиҳаси асосида ташкил этилган тадбир ҳамда шунлар сирасидандир. Тадбирда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, маҳаллалар фаоллари ва коллежнинг ўқувчи-қизлари иштирок этди.

Лойиҳанинг асосий вазифаси вилоят аҳолисининг тиббий билиминини ошириш, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳнинг олдини олиш, ёш оналарга соғлом фарзандни дунёга келтириш юзасидан тавсия ҳамда тиббий маслаҳатлар бериш каби-лардан иборатдир.

— Аҳолининг репродук-

тив саломатлиги мустаҳкам бўлиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказишда нафақат жамоат ташкилотлари, балки биринчи галда оила, ота-она масъулдир, — дейди "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Унсинай Мудинаева. — Бу йўналишда биз, маҳалла фаолла-

ри ҳам ўз меҳнатимизни аямаймиз.

Ўзаро фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тадбир вилоят "Ижтимоий химоя" жамияти, туман хотин-қизлар қўмитаси, ўрта-маҳсул, касб-хунар таълими муассасалари, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят бўлими ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбир сўнгига иштирокчиларга грант лойиҳаси асосида тайёрланган махсус дастурий қўлланма ва буклетлар тарқатилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Муаллиф олган сурат.



ШУМАХЕР ҲАМ ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛГАН

Баъзан, катта тезликда бораётган, светофорнинг қизил чироғига ҳам қарамай, ўтиб кетаётган ҳайдовчига кўзимиз тушганда: "Шумахер бўлиб кет-э!" деб кўямиз. Бундай тезлик шайдоларининг масъулиятсизлиги бошқа ҳайдовчи ва пиёдалар ҳаётига ҳавф солиши шубҳасиз.

□ Имконият

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати қоидаларини янада чуқур ўргатиш мақсадида вилоятимиздаги ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослашган муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тизимини янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкило-

тининг Юқори Чирчиқ туманидаги ўқув-спорт техника клуби биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуада бир пайтнинг ўзида 100 кишига дарс беришга мўлжалланган ўқув хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда клуб туман ҳокимлиги, "Камолот" ЕИҲ ҳудудий бўлими, туман спорт мактаблари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг туман

бўлими билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Автоматикда йил давомида 400-500 га яқин фуқаро "В", "С", "ВС" ҳамда "Е" тоифалари бўйича имтиҳонлардан ўтган, ҳайдовчилик гувоҳномасини олади. Шунингдек, тумандаги ёш ҳаваскорлар учун "Ёзги биатлон", "Пневматик милтиқдан ўқ отиш" каби спорт тўғрақлари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Мусахон АБДУЛЛАЕВ.

Таълим муассасалари ҳаётидан ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ БЎНИ

Пискентдаги 13-мактабга таълим муассасасида бўлиб ўтган амалий семинарда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, болалар боғчаларининг мутасаддилари, Васийлик кенгаши ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Семинарда Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Халқ таълими ҳамда Молия вазирликларининг "Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб интернатларидаги болалар таъминотида ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида"ги тегишли қўшма ҳужжати ҳусусида гап борди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўртасида кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш,

ўзларини тиклаб олишлари учун замин яратиш, тўловларда енгиллик бериш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлашди. Муассасада ташкил этилган тўғрақлар аъзоларининг чиқишлари — ижро этилган шеър ва куй-қўшиқлар барчага кўтаринкилик улашди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Пискент тумани бўлими ташаббуси билан 7-умумтаълим мактабда маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган семинар барқарор маънавий муҳитни таъминлашда маслаҳатчилар фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланди.

Семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқаролар йиғин-

лари маслаҳатчиларининг ўрни ва роли, комиссияларнинг бу борадаги ўзaro ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича сўз юритилди. 2017 йил мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", деб эълон қилинган муносабати билан маҳалла маслаҳатчилари олдига турган вазифалар муҳофаза этилди. Ҳудудий посбонларнинг ҳар бир хонадонда бўлиб, улардаги ижтимоий муҳитни ўрганиши, банк ходимлари билан биргаликда фуқаролар ўртасида имтиёзли кредитлардан фойдаланишнинг тарғиб этиши ва бу орқали оила-лардаги моддий аҳволни яхшилаш ва ишсизлар савфининг янада камайишига эришиш зарурлиги таъкидланди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрафлича жавоб олди.

Бекобод техника иқтисодиёт коллежида шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, соғлиқни сақлаш бўлими, ФХДБ ва диний идора вакиллари иштирокида ёшлар ўртасида жиноятчилик, эрта турмуш, эрта туғуруқларнинг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Мутахассисларнинг мавзуга доир чиқишлари, ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, коллежнинг "Ораста қизлар" тўғраги аъзолари Бекобод шаҳридаги "Саховат" уйига бориб, кексалар ҳолидан хабар олди. Ўқувчилар Навоий ва Бобур ғазалларидан намуналар ўқиб, аллома-лар ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб беришди. Улар ижросидаги куй-қўшиқлар, эсдалик совғалари кексаларга кўтаринки кайфият бағишлади.

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Маънавият



Эсланг, Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" номли асаридан шундай бир лавҳа бор. Ёвуз Чингизхон султон Жалолиддинни таъқиб қилиб, Жайхун қанорига боради. Ўшанда султон дарёга от солиб, хавфсиз қирғоққа эсон-омон ўтиб олади. Чингизхон ўғилларига қарата дейди: "Отадан дунёга ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби голиб жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир – қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир моҳорода тенг кела олмаган. Лекин, у мардликнинг доғини берди..."

Ҳа, Яратган тақдир қилади, бандаси эса тадбир. Аммо, бу тадбир қандай бўлиши лозим? Асос, таянч нима бўлади? Дарвоқе, ҳазрат Навоийда баайни мавзуда шундай байт бор:

"Жонга айтуримен, ёзай ҳарфи
ғаминг тақдирини,
Кўнғлум ўлмас, ваҳки,
билмасмен бу иш таҳирини."
Юқоридаги мисраларни ўқир экансиз, беихтиёр миллатимизнинг улуг пешволари, устунлари кеҳирли тақдир манзаралари ҳаёдан ўтади, фалакнинг гардиши қошида сас-садосиз нотавон бўлиб эмас, яхшиликдан, яхшилардан умидвор бўлиб дунёга довлук солган билагию юраги паллавланган зотлар эсга келади. Ўзбекистон бериб, Мирзо Улуғбекнинг шуқули макта-

БОБУРНИНГ БОҚИЙ МЕРОСИ

ёҳуд тадбиркорлик, иштиёқ, тоза ният ғалабаси

би, Алишербекнинг улусда, давлат орасида ғоят нуфузли бир мартабаси халқнинг ёди-хотирида турган, замондошлик нашадаси қалбларга малҳам бўлаётган бир паллада тарих майдонига яна бир улуг зот – Захриддин Бобур чиқиб келди.

У худди Жалолиддин каби ёвуз, Мирзо Улуғбекдай оқил, Алишербек сингари назмий тафаккурда беназир сиймо эди. Улуғларни муқояса қилиш одоб-

Мирзо Бобурга қадар ҳеч бир давлатдорга бунчалар қўлланма, ҳаётини йўриқнома насиб қилмаган. Қўлланмаки, уни бегоналар, ёт элларда умргузаронлик қилган оқилу одиллар эмас, ўз аждодлари, қони бир боболари битган бебаҳо намуналар эди. Муболағасиз айтиш мумкин, Мирзо Бобурнинг бахт юлдузи, омад қалити, аввало, мана шундай тақдир илоҳий, Яратганнинг инояти туфайлидир.

ҳазиллашиб бўлмади. Аммо, у теран тафаккур эди, тақдирнинг чорловини мардона қабул қилди. Ўзини ва яқинларини муқаррар ҳалокатга етаклашдан тийилди. Улуғ мақсадларини амалга ошириш замонини кутди, маконини ахтарди. Бу буюк теурийоднинг бизга, авлодларга бош сабоқларидан бири шуки, омадсизлик, иложсизлик вақтида қалбнинг қудрати, ўзликнинг даражоти кўринмай. Катталик давросидаги майда одамларгина шундай синовларга тоб беролмайдилар. Бўламан дегич ана шундай ҳал қилувчи паллада вазиятни теран таҳлил қила билиши, юрак амрига қулоқ осиб, мақбул бир қарорга келиши керак. Бунда энг муҳими – тоза ният, қолаверса, яқинларга олийҳиммат бўлишдир.

Бобур Мирзо Хиротга борганида Бойқаро ўғилларини қулга лойиқ яшаш тарзини, ўзaro нифоқлари боисини ўқиб, тунлари қанчалар изтироб чекди экан? Иттифоқ орзусида ўнгу сўлига назар ташлаган моҳир саркарданинг назари қимларга тушди? Ҳарб ишида ўзига тенг, монанд бир ҳамфирқ зот учрадимиз? Хуллас, кенгроқ ўйлаб кўрилса, жараёни назоратга, илқига олиш учун агарчи Бобур Мирзонинг қалб қуввати, давлатдорлик салоҳияти етган тақдирда ҳам, муаззам салтанат тузиш учун халқнинг ялпи бирлиги, ҳаммаслақлиги керак бўлар эди. Ана шундай умумий ғоянинг йўқлиги бора-бора ўлка халқларини асоратга солди. Ваҳоланки, бир оз муқаддам Темирбек замонида бутун халқ мўл ул истилошига қарши кураш ниятида бирлашган, ана шу бирлик улуг бир салтанатнинг

ҲАЗАЛ СОҒИНЧИ

Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?
Ё сочингдек тийра бўлган рўзгоримниму дей?

Кундуз ўлса, тунгача айтмай бепоеғ ғамим,
Кеча бўлса, тонгга тегру ҳоли зоримниму дей?

Ҳажри қотил бирла кўнғлум ҳолатинму шарҳ этай,
Дарду муҳлик ичра жони беқароримниму дей?

Телбаю мадҳушу беҳуд дема ким қилди сени,
Лаъли майгун, сўзи мулк, ўзи ҳуморимниму дей?

Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази ҳижрониди
Тонгга тегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?

дан эмас, ва лекин, кези келганда эътироф этиш керакки, Мирзо Бобур омилкорлик, тадбиркорлик борасида жаҳонгир бобосига яқин бир мартабада туради. Зотан, Бобур Мирзо сув ичган ана ўша булоқлар давлат тузишда, раиятга муносабат ўрнатишда, аёнларга муруват кўрсатишда беқиёс қўлланма бўлди. Бу ўринда "Тузуқлар", "Тўрт улус тарихи", "Маҳбуб ул-қулуб" сингари донишмандона асарлар назарда тутилмоқда. Ўйлаб кўрилса,

ўша давр ижтимоий-сиёсий манзарасига назар ташлайдиган бўлсак, тақдир билан можа-рода Мирзо энгилган, чорасиз бир алфозда ота юртдан бош олиб кетган эди. Ўзага келган вазиятда унинг учун тайинли бир йўл, манзил-маскан йўқ эди. Бироқ, унинг қалбиди, юрагида улугларнинг табаррук сўзлари, ўғитлари ниҳон эдики, башарти, юртдан бош олиб кетмаган тақдирда ҳам эл тузган, давлат тузган бўлур эди. Чунки, қалба-даги олов, эҳтирос КУЧИ билан

1 Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маляканини ошириш институтида ҳам улуг мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Бобур Мирзо таваллуд қилган муносабати билан "Ўзбек адабиётининг олтин асри" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

АЖДОДЛАР САБОҒИ

Адабиётшунос олимлар, ўқитувчилар, маданият ва санъат намояндлари иштирокидаги тадбирда алломалар ҳаёти ва ижодида доир маърузалар тингланди. Шунингдек, кечада машҳур саҳна асарларидан лавҳалар намойиш этилди. Алломаларимизнинг илм-фанга, хусусан, адабиётга, шеърятга бўл-

ган меҳри, мутолаа бобидаги беназир салоҳиятини акс эттирувчи лавҳалар йиғилганларда аждодлардан фахру ифтихор этиш, улар сабоғини ёш авлодга етказишда ўқитувчилик касбининг масъулияти ва шарафини чуқур ҳис қилиш туйғулари уйғотди.

Сайёра ЭШМАТОВА.



Даврон АХМАД олган сурат.

Спорт

ТЕЗКОР ШАХМАТДА ВАКИЛИМИЗ БИРИНЧИ

Пойтахтимизда рапид – тезкор шахмат бўйича рейтинг турнири ўтказилди. Беллашуларда юртимизнинг барча ҳудудларидан ўттиздан зиёд ақл гимнастикаси ҳаваскорлари ўзаро куч синашди. Тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада вилоятнинг вакили Темур Ибрагимов 9 имкониятдан 7,5 очко жамғарган ҳолда энг яхши натижани қайд этиб, олтин медални қўлга киритди.

Лазиз ИСОҚОВ.

«АГРАР МАЛИКАСИ»



Тошкент Давлат аграр университетида "Аграр маликаси" курик-танлови ўтказилди. Унда иштирокчилар 4 шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов

Мазкур танлов қизларнинг интеллектуал салоҳиятини янада оқсалтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғулари-ни шакллантириш ҳамда замонавий фан-техника ва қонунчилик бўйича билимларини оқсалтириш мақсадида ташкил этилди.

Унда иштирокчилар ўқиш жараёнида тўплаган билимлари, ҳам маънан, ҳам жисмонан тайёргарлиги, интеллектуал

даражаси ва қобилиятларини намойиш қилдилар.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши кутатиб борилди ва баҳоланди.

Барча шартларда рақибларидан устулигини исботлаган "Урмон ҳужа-

лиги ва доривор ўсимликлар" факультети 1-босқич талабаси Лобар Хусанова яқунда голибликни қўлга киритди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, кўплаб соҳаларда муваффақиятга эришаётган қизларни

кўрганимизда уларга ҳавасим келарди, – дейди Лобар. – Бундай танловлар ўзимизга бўлган ишончни ошириш билан бирга, жамият ҳаётида янада фаол бўлишга ундайди.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

ЖАҲОЛАТНИНГ ЖАБРИ ЁМОН

ганимиздек, мамлакатимизда эътиқод ва дин эркинлигига алоҳида эътибор қаратилгани туфайлидир.

Албатта, бу барчага аён ҳақиқат. Аммо, беҳисса уни тилга олмадик. Афсуски, орамизда бунга қўшилмайдиган, аниқроқ айтганда, "Ўзбекистонда мусулмонлар таълиққа учрамоқда", "Қабиломдаги мантиқсиз йил-дирмаларни ўзларига ялов қилиб олганлар учрамоқда. Йўқ, дейсизми? Бекобод туманилик ака-ука Бахтиёр ва Улмас Раҳмонов, Қобилжон Комилжонов ва Иброҳим Ёшонқуловлар ана шундай ношуқурлардан.

Гап шундаки, етарли диний билим ва ҳаётини тажрибага эга бўлмаган гўр ёшлар пул топиш мақсадида Россияда ишлаш

асносида муқаддас ислом динини ниқоб қилиб олган бир гуруҳ сохта ғоя тарғиботчиларининг тузоғига илинишди. Хўш, қандай қилиб?

Биласиз, баъзан айрим ёшларнинг дин борасидаги билимлари етарли бўлмагани боис, маълум маънода бу борадаги маълумотларга қизиқиш бўлади. Бу қизиқиш мақсади қандай йўл билан бўлмасин "Ўзбекистонда халифалик давлатини барпо этиш", мамлакатда шариат қонунлари асосидаги бошқаруви ўрнатиш ва бу орқали давлатда турли дин вакиллари ўртасида уруш чиқариб, мамлакатни ўзларининг шахсий бизнеси майдонига айлантирмоқчи бўлаётганлар учун айни муддао эмасми?

"Дин пешволари" 20, 30

ёшлар атрофидаги Бахтиёр, Улмас, Қобилжон ва Иброҳим сингари ёшларни топиб, уларнинг дин борасидаги оппоқ тасаввурларига ўзларининг ёвуз қарашларини сингдира бошлайдилар.

Аслида, улар кечагина "Бунёдкор" маҳалласи кўчаларини чангитиб юрган, барча қобилжон қатори беғумор қалб соҳиблари эди. Жисмоний ба-лоғатга етгач, янада кўпроқ пул топиш ҳаёли уларни Россияга бошлаб борди. У ердаги назоратсизлик, турли сохта, ўзларининг таъбири билан айтганда "дин ҳимоячилари" билан бўлган суҳбатлар уларнинг Ўзбекистонга, муқаддас ислом динига нисбатан қарашларини бутунлай ўзгартириб юборди.

Яхшиямки, бу воқеалар ривож чукор "драматик саҳна"ларгача етиб бормади. Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан мазкур қалтабинлар фаолиятига чек қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Бекобод тумани судининг очик суд мажлисида айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.


Ислом – тинчлик, инсонлар ўртасида меҳр-муруват, ўзаро ҳурмат ва инсоний фазилатларга даъват этувчи диндир. Шу боис, у асрлар оша мамлакатимиз ҳудудида тараққий этиб бorgan ва халқимиз томонидан юксак қадрланган. Бугун ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бектош ИСРОИЛОВ.

Эътироф

Нодир ёдгорликлар, табиий объектларни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Бунда халқро ҳамкорлик, айниқса, алоҳида ўрин тутди.

МИЛЛИЙ БОҒГА ЮНЕСКО СЕРТИФИКАТИ ТОПШИРИЛДИ



Фарбий Тянь-Шанни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданият ва табиий мерос рўйхати Трансмилий сериялар номи-нациясига кириши муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган сертифицикат топишиш маросимида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Ташқи ишлар, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазир-ликлари, Фанлар Академияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи маъмурияти, халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги вакиллари иштирок этган тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги миллий ишлар бўйича комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, ўтган йили ЮНЕСКОнинг Туркияда ўтказилган қирқинчи сессиясида Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ҳудудларида жойлашган Тянь-Шань тоғ тизмасининг Марказий Осиё қисми – Фарбий Тянь-Шань трансгегаравий объект сифатида Умумжаҳон маданият ва табиий мерос рўйхатига киритилди, – дейди Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи бошқармаси бош директори Умнат

Мирзакулов. – Шу асосда боғимиз таркибидаги Чотқол давлат био-сфера қўриқхонасига тегишли "Бошқизил-сой" ва "Майдонто" бўлимлари ҳам ундан жой олди. Фарбий Тянь-Шаннинг бир қисми – Чотқол тоғлари юртимиздаги умумжаҳон мерос объекти маконини олган илк табиий объект ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати, юртимиздаги бу каби, хусусан, Шохимардон, Зомин, Хисор тоғлари ва баъзи қўриқхоналар-ни ҳам ушбу рўйхатга киритиш мўлжалланмоқда.

Кези келганда айтиш жоиз, Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи ҳудудидаги Тераклисий қирғоқларидаги тошга битилган тарихий расмлар, Ревашти – Қорабузқоқой дарёларининг бўлиниш жойидан топишган бронза буюмлар ҳамда қадимий қалъа қолдиқлари бебаҳо қим-матга эга.

"Фарбий Тянь-Шань" номли ҳужжатли фильм намойиш этилган тадбирда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига Фарбий Тянь-Шанни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданият ва табиий мерос рўйхати Трансмилий сериялар номинациясига киритиш бўйича сертифицика-ти топирилди.

Ўз мухбиримиз.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 11 февраль кун Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғин-гарчилик бўлиб, туман тушиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда секундида 15-20 метргача кучаяди. Ҳаво ҳарорати кечаси ва кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиб, туман тушиши мумкин. Қор қўчиши хавфи бор. Кечаси 5-10, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маълумият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@utmail.uz	Телефонлар: Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Котбият: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-90-82, 233-79-96 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ Назоратчи мусоҳиҳ Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ
---	---	--	---	--	--